

“KOREA – O‘ZBEKISTON DRONE ROAD SHOU 2023” семинари бўйича ҲИСОБОТ

2023-йил 14-июнда Hilton меҳмонхонасида бўлиб ўтган “KOREA – O‘ZBEKISTON DRONE ROAD SHOU 2023” семинарида “Регионалгеология” ДУК қўйидаги ходимлари қатнашишди: бош геофизик Ашуров А.У., Аэрогеофизик партияси бошлиғи Мурашкин С.С., ГМҚИ партияси бошлиғи Швачка А.В., Аэрогеофизик партияси Ходимлари Хақимов Б.З., Эйсфельд О.А., Топогеодезия партияси ходимлари Тўрдиев А.Ж., Тўрдиев С.Ж., Есенов Ш.М.


9:00 дан 9:30 гача бўлган вақтда регистратсия жараёни бўлиб ўтди.

9:30 дан 9:50 гача Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси, Ўзбекистон геоинновацион маркази директори, Корея Республикасининг Ер инфратузилма ва транспорт вазири (MOLIT), KORTA CIS минтақавий директорлари табрик нутқи билан сўзга чиқишди.


9:50 дан 10:20 гача Меморандум имзолаш жараёни бўлиб ўтди.




10:20 дан 10:40 гача Корея Авиация хавфсизлиги технологиялари институти томонидан тақдимот бўлиб ўтди.



10:40 дан 11:00 гача Ўзбекистон Геоинновациялар маркази директори иқтисодиётнинг турли соҳаларида учувчисиз учиш аппаратларидан (дронлар) фойдаланилишидаги муаммоларни ҳал этиш масалаларини кўрсатиб ўтди.



11:00 дан 11:30 гача Uzaerospace дронларининг ишончли хизмат кўрсатувчи провайдерлари, ҳамда дронлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигида шу платформалардан фойдаланиш ва улардан географик маълумотлар олиш мавзуси тақдимот бўлиб ўтди.



11:30 дан 12:00 гача қишлоқ хўжалигида учувчисиз учиш платформасини тижоратлаштириш стратегияси ва қурилиш соҳасида дронлардан 3D хариталашда фойдаланиш мавзусида тақдимот бўлиб ўтди.

12:00 дан 12:30 гача Ҳарбий учувчисиз учиш аппаратларини жорий этиш, ҳамда Мудофаа ва кузатув разведка ишларида ҳамда ҳарбий соҳанинг барча амалларида дронлардан фойдаланиш бўйича тақдимот бўлиб ўтди.

12:30 дан 14:00 гача тушлик.

Тушлиқдан кейин ходимларимиз ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича ишлаб чиқарувчилар билан давра суҳбатлари олиб боришди.

Корея Республикасининг GEOSPATIAL INFORMATIONSONCO компаниясига тегишли топогеодезик ишларни бажариш учун мўлжалланган “eBeeX” русумли учувчисиз учиш аппарати тўғрисида менежерлар томонидан маълумот берилди.



Кейинги давра суҳбати “Meissa” компанияси билан бўлди. Бу компаниянинг таклифи учувчисиз учиш аппаратидан олинган маълумотларини қайта ишлаш ҳақида бўлди. Pix4D Mapper, Bentley, MateShape va Virtual surveyor компьютер дастури ҳақида чуқурроқ маълумот олиш учун компаниянинг мутахассислари билан суҳбатлашилди.



Кейинги давра суҳбатимиз жуда қизиқарли бўлиб ўтди. Корейнинг “PRENEU” корхонаси менежерлари дронлар ҳақида маълумотлар беришди.

